
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН НИМА?

Давлат ва жамият ҳаётида қонунлар ўзининг муҳим ўрни ва аҳамиятига эга.

ҚОНУН (ҳуқуқ соҳасида) - инсон, [жамият](#) ва [давлат](#) манфаатлари нуқтаи назаридан энг муҳим ҳисобланадиган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солиш воситаси. Қонун давлат олий [вакиллик](#) органларининг энг юқори кучга эга бўлган ҳужжатидир. Қонун давлат [хуқуқ](#) тизимининг асосини ташкил қилади, давлатнинг бошқа ҳамма органларининг норматив актларига нисбатан энг катта юридик кучга эга бўлади. Қонун учун уни қабул қилишнинг алоҳида тартиби. бир неча босқичдан иборат махсус [қонун](#) чиқариш жараёни ҳосдир. Бу босқичлар [қонунчилик](#) ташаббуси, қонун лойиҳасининг муҳокама қилиниши, Қонуннинг қабул қилиниши ва унинг эълон қилинишидан иборат. Қонунлар ўзида мужассамлашган нормаг ларнинг моҳияти бўйича конституциявий. тўғридан-тўғри [конституция](#) талаблари асосила қабул қилинадиган (органик) ва оддий Қонун ларга бўлинади. Оддий Қонунлар, ўз навбатида, кодификация қилинган ва жорий Қонун ларга бўлинади. Федератив давлатларда Қонунлар, шунингдек, федерал ва федерация субъектлари Қонунларига ажратилади. Қонун ларнинг алоҳида тоифасини фавқулодда Қонунлар ташкил этади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН эса — бир қанча мамлакатларда конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири. Баъзи мамлакатлар (аҳолиси француз тилида сўзлашувчи мамлакатлар, шунингдек, [Руминия](#) ва б.)да — бу конституцияга ўзгартириш киритувчи қонун, бошқа мамлакатлар (масалан, [Россия](#) Федерацияси, [Ўзбекистон](#) ва [Қозоғистон](#)) да Конституциявий қонун конституцияда кўзда тутилган масалалар бўйича қабул қилинадиган қонундир. Конституциявий қонунлар сирасига, аввало, [конституция](#) киради ва ўз юридик мақомига кўра, улар орасида энг юқори ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасида «Ўзбекистон Республикасининг [давлат](#) мустақиллиги асослари тўғрисида» [қонун](#) (1991 й. 29 декабрда умумхалқ референдуми билан тасдиқланган), «[Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси](#) тўғрисида» қонун (1993 й. 28 декабрь.), «[Референдум](#) яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» қонун (2002 й. 4 апрель.) Конституциявий қонунлар ҳисобланади.

Конституциявий қонунлар 2 гуруҳга бўлинади:

1) конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритадиган Конституциявий қонунлар;

2) Конституциянинг муайян меъёрлари мазмунини кенгроқ очиб берадиган ва аниқлаштирадиган, хусусан, муҳим давлат муассасалари ҳамда органлари, мас, муайян давлат парламенти, ҳукумати, инсон ҳуқуқлари бўйича [парламент](#) вакили ([омбудсман](#)), референдум, судлар ва [суд тизими](#) ва б. давлат органлари тўғрисидаги Конституциявий қонун лар. Конституциявий қонун ларнинг олий юридик мақомга эга бўлишини белгиловчи омиллар: 1) улар тартибга солиб турадиган муносабатлар ёки давлат органлари фаолияти [жамият](#) ва давлат ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши керак;

3) уларни қабул қилишнинг алоҳида, қатъий белгилаб қўйилган тартиби ишлаб чиқилган бўлиши зарур; масалан, оддий қонунларни қабул қилиш учун парламент

аъзоларининг оддий кўпчилик овози кифоя қилса, Конституциявий қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун депутатларнинг камида 2/3 қисми ёқлаб [овоз](#) бериши талаб этилади. Баъзи давлатларда (масалан, Россия Федерациясида) Конституциявий қонунларни қабул этиш учун парламент юқори палатасида депутатларнинг камида 3/4 қисми ёқлаб овоз бериши ҳамда Президентнинг [вето](#) ҳуқуқи татбиқ қилинмаслиги керак.

С.Хурсанов

Ўзбекистон туман адлия бўлими ЮХКМ бошюристконсульти

2022-11-30 09:53:50